



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Special Issue | pp. 21-28 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

АУДИТ ИШ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

О.Қўшиматов

*Тошкент давлат иқтисодийёт университети
Мустақил изланувчиси*



Аннотация. Мазкур мақолада аудиторлик ташкилотлари иш сифатини назорат қилиш йўналишлари, аудит иш сифати назоратининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда аудит иш сифатини назорат қилишни ташкил этишнинг назарий асослари тўғрисида фикр юритилган. Шунингдек, аудиторлик ташкилотлари иш сифатининг асосий кўрсаткичлари шакллантирилган. Жумладан, мазкур кўрсаткичларни иш сифатини назорат қилиш жараёнида қўллаш орқали эришиладиган натижалар бўйича хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар. Аудит иш сифати, ҳалоллик тамойили, объективлик тамойили, мустақиллик тамойили, профессионалик тамойили, компетентлик тамойили, ички назорат тизими, ички аудит, молиявий ҳисобот аудити.

НАПРАВЛЕНИИ ПО КОНТРОЛЮ КАЧЕСТВА АУДИТА

Аннотация. В данной статье рассматриваются направления контроля качества работы аудиторских организаций, особенности контроля качества аудиторской работы, а также теоретические основы организации контроля качества аудиторской работы. Также сформированы основные показатели качества работы аудиторских организаций. В частности, сформированы выводы о результатах, достигнутых при использовании этих показателей в процессе контроля качества.

Ключевые слова. Качество аудиторской работы, принцип честности, принцип объективности, принцип независимости, принцип профессиональной компетентности, система внутреннего контроля, внутренний аудит, аудит финансовой отчетности.

DIRECTIONS OF AUDIT QUALITY CONTROL

Abstract. This article discusses the areas of quality control of audit organizations, features of quality control of audit work, as well as the theoretical foundations of organizing quality control of audit work. The main indicators of the quality of work of audit organizations have also been formed. In particular, conclusions were drawn about the results achieved when using these indicators in the quality control process.

Key words. Audit quality, principle of integrity, principle of objectivity, principle of

independence, principle of professional competence, internal control system, internal audit, financial statements audit.

КИРИШ. Хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия ҳисоби маълумотларини халқаро стандарт талабларига мослаштиришда бир қатор муаммоларга дуч келмоқда. Бугунги кунга қадар мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни янада чуқурлаштириш бизнесни муваффақиятли ривожлантиришга ёрдам беради, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларининг ишончилиги тўғрисида фикр билдиради, молиявий ҳисоботларни яхшилаш мақсадида уларга амалий маслаҳатлар, йўл-йўриқ ва бошқа турдаги амалий ёрдам берадиган аудиторлик фаолиятига эҳтиёж кучаймоқда. Аудиторлик фаолиятини ривожлантириш эса кўп жиҳатдан назарий, ҳуқуқий-меъёрий, амалий ташкил этиш жиҳатларини илмий асосланган ҳолда такомиллаштирилишига эҳтиёж сезмоқда. Бу борада сўнги йилларда аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда аудиторлик хизматлари бозорини ривожлантириш, аудиторлик ташкилотларининг иқтисодиётдаги аҳамиятини оширишда уларнинг кўрсатаётган хизматлари сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратиш даркор.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ. Аудиторлик иши сифатини баҳолаш масалалари иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган.

Хусусан, иқтисодчи олим Р. Дусмуратов фикрича, «бугунги кунда аудит иши сифатини баҳолаш ва назорат қилиш борасида талайгина муаммолар мавжуд. Мамлакатимизда аудиторлик хизматлари бозорини ривожлантириш, аудиторлик ташкилотларининг иқтисодиётдаги аҳамиятини оширишда уларнинг кўрсатаётган хизматлари сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратиш» тўғрисида сўз юритилади [1].

К.Ахмаджоновнинг фикрича, «Ҳар бир аудиторлик ташкилоти ишлар сифати устидан назорат ўрнатиш принциплари ва қоидалари, ҳамда уларни қўллаш амалларини ишлаб чиқишлари ва қабул қилишлари лозим. Бу аудит жараёнида умумқабул қилинган текширув стандартлари билан қарама-қаршиликлар вужудга келмаслиги учун зарур» [2].

Б.Ҳамдамовнинг фикрича, «Ҳар бир аудиторлик ташкилоти ши сифати устидан назорат қилиш тамойиллари ва қоидаларини, шунингдек, улардан фойдаланиш жараёнларини ишлаб чиқиши ва қабул қилиши лозим»дир [3].

Юқорида келтирилган Аристотел, Дж.Локк ва Гегелларнинг фалсафий фикрларини аудит соҳасида қўллашимиз мумкин. Демак, аудиторлик фаолиятининг сифатли бўлиши аудиторлик ташкилотлари ҳамда аудиторлар томонидан молиявий ҳисобот аудити ҳам турдош хизматларнинг сифатли ўтказилишига боғлиқ. Бундан ташқари аудиторлик фаолиятининг сифатли бўлиши ундан кимлар манфаатдорлигига ҳам боғлиқ.

Р. Хойер, Б. Хойернинг “Сифат нима?” мақоласида сифат соҳасидаги энг катта саккизта мутахассисларнинг фикрларини тақдим этади: Ф. Кросби(1979), Э. Деминг(1988), А. В. Фейгенбаум (1983), К. Исикав(1985), Дж. Джуран(1988), Р. М.

Пирсинг (1974), У. А. Шухарт(1931), Г. Тагути (1979). Мақоланинг муаллифларининг фикрларича, сифат тушунчасида кўп ўхшашликларга қарамасдан, сифат соҳасидаги энг буюк мутахассислар ягона “сифат” тушунчасини ҳали киритганлари йўқ [4].

Аудит билан боғлиқ равишда, сифат тушунчаси талабларига - низом-қоидалар (аудит стандартлари, аудиторларнинг касбий этикаси қоидалари) талабларига мос равишда кўриб чиқилади. Бундай ёндашув расмий хусусиятларни ҳисобга олишга олиб келиши мумкин» [5].

Е. Демингнинг фикрича «сифат - бу мижозларни қониқтириш нуқтаи назаридан аниқланиши керак. Сифат кўп ўлчовли бўлади дейди ва фақат бир хусусият ёки фақат битта нуқтаи назар билан маҳсулот ёки хизмат сифатини аниқлаш мумкин эмас» [6].

Аудит соҳасида юқоридаги олимлар томонидан айтилган фикрларни қўллаш мумкин.

Биз А. В. Фейгенбаумнинг сифатни аниқлаш бўйича энг муҳим баёнотларини тақдим этамиз. Сифат мижозларни қониқтириш нуқтаи назаридан аниқланиши керак. Сифатни харидор белгилайди, муҳандис, маркетолог ёки менежер эмас. Бу истеъмолчининг товар ёки хизматни ўз талабларига нисбатан ҳақиқий баҳолашига асосланади [7].

И.ф.д., профессор А.З.Авлоқулов таъкидлашича, аудитнинг ҳуқуқий асослари яратилиб, аудиторлик фаолиятининг ташкилий асослари тўлиқ шакланганидан сўнг, асосий эътибор унинг сифат кўрсаткичларини яхшилашга қаратилиши лозим. Аудиторлик хизматларининг сифат кўрсаткичлари аудитнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади [8].

В.Т.Чая мазкур масала бўйича тўхталиб қуйидагиларни таъкидлайди: аудиторлик фаолиятини ривожлантиришда муҳим муаммолардан бири аудит ишии сифатини таъминлаш масалалари ҳисобланади, айниқса, сифат назоратининг концептуал асослари тўлиқ ишлаб чиқилмаган [9].


ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР. Иқтисодиётини рақамли ривожлантириш шароитида хорижий инвесторларнинг стратегик қарор қабул қилиши кўп жиҳатдан молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги ва уларга берилган холисона баҳога боғлиқ бўлади. Ўзбекистон Республикаси ва чет мамлакатларда аудитнинг ривожланиши шуни кўрсатадики, ахборотдан фойдаланувчилар томонидан аудиторларга юқори талаблар қўйилмоқда.

Бу эса ахборот рискининг аудиторлар профессионал малакалилик ва унинг иш сифатига боғлиқлигини кўрсатади. Аудиторлар иш сифатининг муҳим омили аудит иши сифатининг амалдаги назоратидир.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда аудиторлик текширувлари аудитнинг халқаро стандарти асосида олиб борилмоқда. Халқаро аудит стандартлари Халқаро бухгалтерия стандартлари бўйича қўмита таркибида доимий қўмита ҳуқуқларига эга бўлган аудиторлик амалиёти бўйича халқаро қўмита томонидан ишлаб чиқилади. Аудитор иши сифатининг назоратини ташкил этишда аудиторлик фаолияти стандартларига таяниши лозим. Амалиётда «Аудитда иш сифатининг назорати» номли 220-халқаро аудит стандарти (ХАС-220) белгиланган. Унда берилган таъриф бўйича «Аудитор иши сифатини назорат қилиш аудитнинг

ўтказилиши ва аудитга турдош хизматларнинг кўрсатилиши чоғида аудит стандартларининг ва Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини тартибга солиб турувчи бошқа хил қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини текширишда фойдаланиладиган ташкилий чоралар, услублар ва жараёнлар тизимини ўз ичига олади».

Аудит сифатини умумий назорат қилиш йўналишлари қуйидаги тартибда бўлиши мақсадга мувофиқ (1-расм).



1-расм. Аудит сифатини умумий назорат қилиш йўналишлари¹

Аудиторлик фаолиятининг юқори сифати унинг дастлабки, жорий ва кейинги назоратни таъминлаши лозим.

Дастлабки назорат аудиторлар ва аудиторлик ташкилотларини аттестациядан ўтказиш ва реестрга киритиш босқичида амалга оширилади.

Жорий назорат икки йўналишда амалга оширилади: алоҳида аудиторлик текширувларини назорат қилиш ва аудитнинг умумий назорат қилиш.

Аудитор иши сифатини назорат қилишни ташкил этиш йўналишларига қуйидагиларни киритиш мумкин: иши сифатини назорат қилиш мезонлари; назорат йўналишлари; назорат шакллари:

Аудитор иш сифатини назорат қилишнинг асосий мезонларига Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни меъёрлари; Аудиторлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом талаблари; Професионал ахлоқ қоидалари; Ўзбекистон Республикасида аудитнинг халқаро стандартларига талаблар;

Аудитнинг халқаро стандартларга мос келадиган талаблар киради;

Аудитор иш сифати назорат амалларига: алоҳида аудиторлик текширувларини

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

назорат қилиш ва умумий сифат назорати амаллари киради.

Алоҳида аудиторлик текширувларини назорат қилиш қўйидагиларни ўз ичига олади.

1. Меъёрий ҳужжатларда белгилаш тартиби:

- Аудиторларнинг мустақилликни, профессионалликни ва компетентлигини таъминлаш;

- Аудиторлар учун эркин ҳаракатни таъминлаб бериш;

- Аудитнинг ёзма дастурларидан фойдаланиш.

2. Кузатув:

- аудиторлар ишининг жорий назоратини таъминлаш;

- ҳолис ҳаракатланишни қабул қилиш учун хўжалик юритиш субъектлари бухгалтерия ҳисобидаги муаммоли саволларни билиш;

3. Текширув:

- аудиторлар томонидан аудиторлик текширувларини стандартларга мос келишни, ҳужжатларнинг тўлиқлигини, мақсадга эришишни таъминлаш учун ўтказилган барча ишларни текшириш.

Умумий сифат назоратига: мустақиллик; хизматчиларга вазифа; маслаҳат; кузатув; ишга ёллаш; профессионал даражанинг ошиши; хизмат юзасидан силжишлар; мижозлар билан алоқалар ва улар билан ишлаш муддати ҳамда назорат қилиш киритилади (1-жадвал).

1-жадвал

Аудиторлик ташкилоти иши сифатининг асосий кўрсаткичлари²

	Кўрсаткичлар
1.	Ички назоратнинг тизими мавжудлиги;
2.	Аудитнинг халқаро стандартларига, сифат назоратига, таҳлилий текширувларга, турдош хизматлар кўрсатишга доир топшириқларга ва Профессional бухгалтернинг одоб-ахлоқ кодексига риоя этилиши;
3.	Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши;
4.	Халқаро аудиторлик ташкилотларига ёки ассоциацияларига аъзолик;
5.	Аудиторлик текширувини ўтказиш, турдош хизматлар кўрсатиш услубиётининг мавжудлиги;
6.	Кўрсатилган аудиторлик хизматлари натижаларининг тегишли равишда ҳужжатлаштирилиши;
7.	Аудиторлик текширувларини ўтказиш учун етарли миқдордаги меҳнат ва вақт ресурслари;
8.	Ахборотга ишлов бериш учун дастурий маҳсулотларни ва ахборот технологияларини қўллаш;
9.	Аудиторларнинг ҳар йилги малака ошириш курсларидан ўтиш;

² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.


10.	Қонун талаблари бузилишларининг мавжуд эмаслиги;
11.	Жисмоний ёки юридик шахсларнинг шикоятлари, шунингдек аудиторлик ташкилотининг фаолияти тўғрисида асосланган салбий фикрлар мавжуд эмаслиги, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида мавжуд эмаслиги.

Аудиторлик ташкилотларининг иш сифатини ташқи назоратдан ўтказиш бўйича таклиф этилётган мазкур кўрсаткичлар аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назоратдан ўтказувчи органларнинг фаолият самарадорлигини оширишга ҳамда аудиторлик ташкилотларининг иш сифатини ташқи назоратини шаффоф ва адолатли аниқланишига имкон яратади.

Аудиторлик текширувларида аудитор томонидан қўлланилиш мумкин бўлган таҳлилий амалларнинг ўз вақтида ва айнан молиявий ҳисоботлар аудитида қўлланилиши аудит иш сифатининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Аудитда таҳлилий амалларини ҳамда унинг сифатини тизимли асосда назорат қилиш имкониятини берувчи халқаро стандартлар асосида иш юритиш мумкинлигининг мамлакатимизда ҳам қонунан мустаҳкамланиши, мамлакатимизда ташкил қилинаётган аудиторлик ташкилотларини барқарор фаолият юритишига, аудиторлар иш сифатининг ошишига ҳамда ягона қоидалар асосида фаолият юритишига имконият яратиб, уларни хорижий мамлакатларда амал қилаётган аудиторлик тузилмасига интеграциялашув жараёнини осонлаштиради.

Аудиторлик ташкилотларининг иш сифатини ички назоратини амалга оширишда қуйидаги кўрсаткичларлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Аудиторлик ташкилотларининг иш сифатини назорат қилиш аудиторлик хизматларига юқори даражадаги профессионаллик ва ишончни таъминлашнинг асосий элементи ҳисобланади. Аудиторлик ташкилотларининг иш сифатни назорат қилиш хусусиятлари қуйидаги жиҳатларни ўз ичига олиши мумкин (2-расм).



2-расм. Аудиторлик ташкилотларининг иш сифатини назорат қилишнинг ўзига хос хусусиятлари³

³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Юқорида келтирилган расмдан хулоса қилиш мумкинки, аудиторлик ташкилотларининг иш сифати назорати аудиторлик текшируви натижаларига ишончни таъминлаш ва профессионалликнинг юқори талабларини сақлашда муҳим аҳамият касб этади. Аудит иш сифатни назорат қилиш жараёнлари ва тартиб-таомилларини доимий равишда такомиллаштириш аудиторлик ташкилоти муваффақиятли фаолиятининг асосий дастаги ҳисобланади.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари олиб борилиши аниқ бўлган текширув учун ҳамда аудиторлик текширувининг умумий режасида акс эттирилиши лозим бўлган раҳбарни ва бош аудиторни олдиндан тасдиқланган бўлиши керак. Текширув раҳбари ва бош аудитор текширув иштирокчиларининг профессионал маҳоратини таҳлил қилиши ва ҳар бир иштирокчининг билим ва малакасида келиб чиққан ҳолда ишларини тақсимлаши зарур.

ХУЛОСА. Мазкур мақолани тайёрлаш давомида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Аудиторлик текширувида иш сифати даражасини оширишга эришиш мақсадида аудиторлар томонидан аудитнинг халқаро стандартлари риоя қилишлари устидан умумий назорат қилиш мақсадга мувофиқдир. Буни инобатга олган ҳолда, аудитнинг фирма ички стандартларини ишлаб чиқишда аудит дастури, аудитга сарф бўладиган вақт сметаси ва умумий аудит режаси каби ҳужжатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таъминлаш зарур. Бу боғлиқлик аудит сифати устидан самарали назорат ўрнатишга кўмак беради. Стандартларни ишлаб чиқиш каттагина маблағ ва амалий тажрибани тақозо этади. Шунинг учун булар фақат жиддий илмий салоҳиятга эга бўлган йирик аудиторлик ташкилотларининг амалий ёрдами билан амалга ошириш мумкин. Бу масалада республика аудиторларининг профессионал уюшмалари аудиторлик ташкилотларининг куч ва интилишларини жамлаши лозим.

2. Аудиторлик ташкилотларининг иш сифатини ташқи назоратини ҳаққоний ҳамда шаффоф ўтказилишини таъминлашда аудиторлик ташкилотлари иш сифатининг асосий кўрсаткичлари шакллантирилди. Мазкур кўрсаткичларни аудит иш сифатини ташқи назоратини ўтказишда бевосита қўллаш орқали республика жамоат бирлашмаларининг ташқи сифат назоратига сарфланадиган вақтларини тежаш ҳамда сифатли ташқи назоратни ташкил қилишга эришилади. Шунингдек, мазкур кўрсаткичларни аудиторлик ташкилотлари томонидан ҳисобот йили давомида ташқи сифат назоратидан ўтиш жараёнига тайёргарлик кўришлари учун ҳам қўллаш мақсадга мувофиқ.

3. Аудиторлик ташкилотларининг иш сифатини ички ва ташқи назоратини ўтказиш бутун дунё амалиётида асосан жамоат бирлашмалари томонидан амалга оширилади. Шу сабабли, аудит иш сифатини назорат қилишнинг ўзига хос хусусиятларини тўлиқ ёритиб бериш мақсадида мазкур хусусиятлар тизимлаштирилди ҳамда аудиторлик ташкилотлари амалиётида қўллаш учун тавсия қилинди. Хусусан, аудиторлик ташкилоти ходимларининг юқори малакасини қўллаб-қувватлаш зарур. Ишга қабул қилинаётганлар учун малака имтиҳонларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Имтиҳонлар (бухгалтерия ҳисоби, солиққа тортиш, молия, аудит ва ҳуқуқ масалалари бўйича синовлар) бир

некта босқичда ўтади. Биринчи босқичда номзоднинг билимлари даражаси ва тегишли равишда у даъвогарлик қилиши мумкин бўлган лавозимлар сонини аниқлаш учун умумий синовлар ўтказилади. Жавобларни баҳолаш учун ҳар бир даражага мос энг кам билимлар чегарасини белгилаш тақозо этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Дусмуратов Р.Д. Аудиторлик фаолияти: назария, услубиёт ва амалиёт: монография. – Т.: Молия нашриёти, 2007. – 276 б.
2. Ахмеджанов К.Б. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит методологиясини такомиллаштириш: 08.00.07: и.ф.н... дисс. автореферати/ Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. – Т., 2016. -76 б.
3. Хамдамов Б.К. Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳисоб ва ҳисобот тизимида аудиторлик назоратини ривожлантиришнинг услубий асослари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун дис. автореф. – Т.: 2007. – 260 б.
4. Хойер, Р. Что такое качество? / Р. Хойер, Б. Хойер // Стандарты и качество. – 2002. – № 3. – С. 97–102.
5. Crosby Ph. Quality is Free. — New York: McGraw-Hill Book Co., 1979, p. 7.
6. Deming W.E. Out of the Crisis. — Cambridge, MA: Massachusetts Institute of Technology, Center for Advanced Engineering Study, 1988.
7. Feigenbaum A. Total Quality Control, third edition. New York: McGraw-Hill Book Co., 1983.
8. Авлокулов А.З. Молиявий натижалар аудити сифатини ошириш масалалари. //“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2015 йил
9. Чая В.Т. Система контроля качества аудиторской деятельности: проблемы и решения. //Аудит и финансовый анализ. %3, 2012. Стр.259.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

